

## КРИПТОВАЛЮТА СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

**Мирзажонов Муроджон Музаффар ўғли**

*Наманган вилояти Ички Ишлар Бошқармаси Ахборот-технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бошқармаси тергов гуруҳи, катта терговчиси, катта лейтенант*

**Жонибеков Сардорбек Мухаммадсолиевич**

*Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигининг В.Я. Кикоть номидаги "Фахрий нишон" ордени Москва университетининг 5 курс – тингловчиси*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада криптовалюта соҳасидаги жиноятларни олдини олишнинг долзарб масалалари тадқиқ этилган. Рақамли активлар айланмасининг жадал ривожланиши жиноий ҳуқуқбузарликларнинг янги шакллари юзага келтирмоқда. Тадқиқот доирасида Ўзбекистон Республикасининг криптовалюта соҳасидаги қонунчилиги таҳлил қилинган, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ўрганилган ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Муаллиф томонидан криптовалюта жиноятларининг турлари системалаштирилган, уларни содир этишнинг асосий усуллари аниқланган. Мақолада «FATF Travel Rule» стандартини тезкор жорий этиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш, блокчейн-аналитика воситаларини жорий қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини ихтисослаштирилган тайёрлаш бўйича таклифлар берилган. Тадқиқот натижалари криптовалюта соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг комплекс тизимини шакллантиришга қаратилган.*

**Калит сўзлар:** *криптовалюта, рақамли активлар, жиноятларни олдини олиш, блокчейн, P2P операциялар, «FATF Travel Rule», киберхавфсизлик.*

## PREVENTION OF CRIMES IN THE CRYPTOCURRENCY SECTOR

**Abstract:** *This article examines current challenges in preventing crimes in the cryptocurrency sector. The rapid development of digital assets has led to the emergence of new forms of criminal activity. The study analyzes the legislation of the Republic of Uzbekistan in the field of cryptocurrency regulation, reviews best practices from foreign countries, and develops practical recommendations. The author systematizes the types of cryptocurrency-related crimes and identifies the main methods used to commit them. The article proposes measures for the rapid implementation of the FATF Travel Rule, strengthening international cooperation, introducing blockchain analytics tools, and improving the professional training of law enforcement officers. The research findings are aimed at developing a comprehensive framework for combating crimes in the cryptocurrency sector.*

**Keywords:** *cryptocurrency, digital assets, crime prevention, blockchain, P2P operations, «FATF Travel Rule», cybersecurity.*

## **КИРИШ**

Рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши жамиятда янги хўжалик юритиш шакллари ва молиявий воситаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Криптовалюталар ва рақамли активлар ҳозирги замон молиявий тизимининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бироқ, технологик тараққиёт билан бирга жиний ҳуқуқбузарликларнинг янги шакллари ҳам вужудга келмоқда. Криптовалюталарнинг анонимлиги, операцияларнинг трансмиллий хусусияти ва децентрализациялашган тузилма жиний гуруҳлар учун қулай шароит яратмоқда.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, криптовалюта соҳасидаги жиноятлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. "Chainalysis" компанияси маълумотларига кўра, 2023 йилда криптовалюталарда қонунга хилоф операциялар ҳажми 24,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Бу эса ушбу соҳада жиноятларни олдини олишнинг самарали тизимини шакллантиришнинг долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида криптовалюта соҳасини тартибга солиш юзасидан қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган. 2024 йил 19 январдаги Ўзбекистон Республикасининг 899-сонли қонуни асосида ушбу соҳани тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Жиноят кодексига 278<sup>8</sup>-модда [5] киритилиб, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади криптовалюта соҳасидаги жиноятларни олдини олишнинг комплекс тизимини ишлаб чиқиш, халқаро тажрибани таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон шароитига мослаштирилган амалий тавсияларни тақдим этишдан иборат.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Криптовалюта соҳасидаги жиноятлар масалалари хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотларида кенг ёритилган. Молиявий чора-тадбирлар бўйича халқаро гуруҳи (Financial Action Task Force - FATF) томонидан крипто-активлар айланмасини тартибга солиш бўйича қатор тавсияномалар ишлаб чиқилган. Айниқса, 2019 йилда қабул қилинган "Travel Rule" стандарти виртуал активлар бўйича хизмат кўрсатувчилар учун амал қилувчи талабларни белгилаб берди.

АҚШ Молиявий жиноятларга қарши тармоғи (Financial Crimes Enforcement Network - FinCEN) криптовалюта операцияларини мониторинг қилиш механизмларини тадқиқ этган. Европа Иттифоқида эса 2023 йилда қабул қилинган MiCA (Markets in Crypto-Assets) регламенти крипто-активлар бозорини тартибга солишнинг янги стандартларини жорий қилди.

Россия ва Қозоғистон олимлари томонидан постсовет мамлакатлари шароитида криптовалюта жиноятларига қарши курашиш масалалари ўрганилган. Айниқса, қонунчиликнинг ривожланиш тенденциялари ва амалий муаммолар таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикасида Академик Б.Алимарданов ва бошқа ҳуқуқшунослар томонидан рақамли иқтисодиёт шароитида жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг янги жиҳатлари тадқиқ этилмоқда. Бироқ, криптовалюта соҳасидаги жиноятларни олдини олишнинг комплекс тизими ҳали етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КРИПТОВАЛЮТА СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК**

Ўзбекистон Республикасида криптовалюта айланмаси соҳасини тартибга солиш 2018 йилдан бошлаб [3] босқичма-босқич амалга оширилди. 2018 йил 03 июлда Президент Қарорини [4] қабул қилиниши билан ушбу соҳада ҳуқуқий тизим тубдан такомиллаштирилди. Крипто-активлар айланмасини назорат қилиш Агентлиги (НАПП) тузилиб, лицензиялаш тизими [1] жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг [5] 278<sup>8</sup>-моддаси [5] крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни белгилайди. Моддада қуйидаги ҳаракатлар жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши кўрсатилган:

крипто-активларни ноқонуний сотиб олиш, сотиш ёки алмаштириш;

крипто-активлар айланмаси соҳасида хизмат кўрсатувчилар фаолиятини белгиланган тартибда лицензия олмасдан амалга ошириш;

анонимли крипто-активлар билан операцияларни амалга ошириш.

Муҳими шундаки, жиноий жавобгарлик фақат маъмурий жазо қўлланилганидан кейин қайтадан содир этилган ҳолларда қўлланилади. Бу эса қонунчиликнинг превентив хусусиятини кўрсатади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекснинг [2] 155<sup>4</sup>-модда [2]си биринчи марта содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутди. Жазо сифатида ўн беш кунгача маъмурий қамоқ ёки йигирмадан ўттизгача базавий ҳисоблаш миқдори миқдорида жарима белгиланган, крипто-активлар ва ҳуқуқбузарлик содир этиш воситалари мусодара қилиниши мумкин.

Қонунчиликда муҳим принцип белгиланган: фақат “НАПП” томонидан лицензияланган платформалар [1] орқали криптовалюта операцияларини амалга ошириш қонунийдир. “P2P” (peer-to-peer) операциялар, яъни шахслар ўртасида бевосита криптовалюта алмашиш, лицензиясиз амалга оширилса қонунга хилоф ҳисобланади.

Қонунчиликнинг мавжуд камчиликлари орасида аҳолининг етарли даражада хабардорлиги йўқлиги ва халқаро мулоқот механизмларининг тўлиқ ишлаб чиқилмаганлигини таъкидлаш зарур.

## **КРИПТОВАЛЮТА СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ички ишлар органлари амалиёти таҳлили криптовалюта соҳасидаги жиноятларнинг қуйидаги асосий турларини аниқлаш имконини беради:

Лицензиясиз “P2P”-алмаштириш фаолияти

Бу жиноятларнинг энг кенг тарқалган тури ҳисобланади. Жиноий гуруҳлар ёки яқка тартибдаги шахслар “Binance”, “Bybit”, “HTX” ва бошқа халқаро платформалар орқали лицензиясиз криптовалюта алмаштириш хизматларини кўрсатадилар. Операциялар ҳажми қонунда белгиланган чегарадан ошганда, бу жиноий жавобгарликка олиб келади.

Бундай фаолият кўпинча ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар, айниқса “Telegram” орқали ташкил этилади. “Крипто-тренерлар” номи остида фаолият юритувчи шахслар аҳолини “P2P”-операцияларга жалб қилиб, улардан комиссия олишади. Кўпчилик фуқаролар бундай фаолиятнинг ноқонунийлигидан беҳабар бўлишади.

Жиноий гуруҳлар манфаатларида “дроп”-лардан фойдаланиш

Бу усул жиноий йўл билан олинган маблағларни қайта ишлашда қўлланилади. Жиноий гуруҳлар оддий фуқароларни топиб, уларнинг криптовалюта ҳамёнлари орқали ноқонуний маблағларни чет давлатларга ёки “совуқ ҳамёнлар”га (cold wallets) ўтказадилар.

“Дроп” сифатида фойдаланилаётган шахслар кўпинча ўзларининг жиноятда иштирок этаётганларидан хабардор бўлмайдилар. Улар фақат “хизмат кўрсатганлик” учун кичик комиссия оладилар, деб ўйлашади. Аммо қонун нуқтаи назаридан улар жиноятнинг субъектларига айланадилар.

Онгли равишда ташкил этилган жиноий схемалар

Бу турга профессионал жиноий гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган мураккаб схемалар киради: пирамида ва хайр-лойиҳалар, фишинг хужумлари, криптовалюта миксерлари орқали маблағларни ювиш, террорчилик ва экстремизмни молиялаштириш.

Маблағларни ювиш (легализация қилиш)

Криптовалюталарнинг трансмиллий хусусияти ва нисбий анонимлиги уларни жиноий йўл билан олинган маблағларни қайта ишлаш учун қулай воситага айлантиради. Маблағлар бир неча босқичларда турли криптовалюталарга айлантирилиб, децентрализациялашган биржалар (DEX) ва миксерлар орқали “тозаланади”.

Ушбу жиноятлар жаҳон миқёсида кенг тарқалган. Агар уларга қарши комплекс чора-тадбирлар кўрилмаса, молиявий тизимга жиддий зарар етказилиши мумкин.

## **КРИПТОВАЛЮТА ЖИНОЯТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА**

Жаҳон амалиётида криптовалюта соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилган. Айниқса, АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа ривожланган мамлакатлар тажрибаси диққатга сазовор.

АҚШда криптовалюта операцияларини назорат қилиш системаси

Америка Қўшма Штатларида криптовалюта биржалари ва хизмат кўрсатувчилар “Пул хизматлари бизнеси” (Money Services Business - MSB)

сифатида лицензияланади. FinCEN барча крипто-провайдерларга қатъий Know Your Customer (KYC) ва Anti-Money Laundering (AML) талабларини қўллайди.

2019 йилдан бошлаб АҚШда FATF [8] Travel Rule [8] стандарти жорий этилган. Бу стандартга кўра, 3000 доллардан ошиқ криптовалюта трансфертларида жўнатувчи ва олувчи ҳақида тўлиқ маълумот алмашилиши шарт. Бу анонимликни сезиларли даражада чеклайди.

Блокчейн-аналитика соҳасида АҚШ етакчи ўринни эгаллайди. Chainalysis, Elliptic, CipherTrace каби компаниялар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга криптовалюта транзаксияларини кузатиш воситаларини тақдим этади. Бу воситалар ёрдамида жиноий фаолиятга алоқадор ҳамёнлар аниқланади ва уларнинг транзаксиялари таҳлил қилинади.

Европа Иттифоқида MiCA [7] регламенти

2023 йил апрель ойида Европа Иттифоқи [7] MiCA (Markets in Crypto-Assets Regulation) регламентини қабул қилди. Бу ҳужжат крипто-активлар бозорини тартибга солишнинг энг кенг қамровли тизимини белгилайди.

MiCA [7] асосида Travel Rule барча криптовалюта трансферларига, ҳатто миқдордан қатъи назар, қўлланилади. Бу жаҳондаги энг қатъий стандартдир. Анонимли ҳамёнлар билан операциялар кўрсатиш мутлақо тақиқланган.

Европа крипто-провайдерларга икки турдаги лицензия олишни талаб қилади: CASP (Crypto-Asset Service Provider) ва EMT (E-Money Token) эмитентлари учун махсус лицензия. Бу эса бозорни тартибга солишнинг юқори даражасини таъминлайди.

Қозоғистон Республикасининг тажрибаси

Қозоғистон Республикаси Ўзбекистон билан ўхшаш қонунчилик тизимига эга. 2020 йилдан бошлаб криптовалюта операциялари учун қатъий талаблар киритилган. "P2P"-операциялар қонунга хилоф деб эълон қилинган.

Бироқ, амалиёт шуни кўрсатдики, аҳолининг хабардорлиги етарли эмас. "Telegram"-каналлар ва "крипто-тренерлар" орқали одамларни "P2P"-операцияларга жалб қилиш давом этмоқда. Қозоғистон Бош прокуратураси 2023 йилда бу борада махсус таҳлил ишини олиб борган ва хабардорлик кампанияларини кучайтириш зарурлигини таъкидлаган.

«FATF Travel Rule» [8] нинг жаҳон миқёсида қабул қилиниши

2019 йилда FATF [8] (Financial Action Task Force) Travel Rule [8] стандартини криптовалюталарга татбиқ этди. Ҳозирги вақтда 50 дан ортиқ давлат бу стандартни ўз қонунчилигига киритган. Стандартга кўра, виртуал активлар бўйича хизмат кўрсатувчилар (VASP - Virtual Asset Service Provider) криптовалюта трансфертларида жўнатувчи ва олувчи тўғрисидаги маълумотларни бир-бирига етказишлари шарт.

Travel Rule [8] нинг асосий мақсади - криптовалюта операцияларининг шаффофлигини таъминлаш ва анонимликни чеклаш орқали пул ювиш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишдир.

Ушбу халқаро тажриба Ўзбекистон учун қимматли сабоқлар беради. Қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларга мослашиш ва технологик воситаларни жорий қилиш зарур.

## КРИПТОВАЛЮТА СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Криптовалюта соҳасидаги жиноятларга қарши самарали курашиш учун комплекс ёндашув талаб этилади. Қуйида илмий асосланган ва амалий жиҳатдан қўлланиши мумкин бўлган чора-тадбирлар тизими таклиф этилади.

### 1. Аҳолини маълумотлаштириш ва хабардорлик тизими

Тадқиқотлар кўрсатадики, криптовалюта соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабабларидан бири аҳолининг қонунчилик талабларидан етарли даражада хабардор эмаслигидир. Кўпчилик фуқаролар “P2P”-операцияларнинг лицензиясиз амалга оширилиши ноқонуний эканлигини билмайдилар.

Самарали хабардорлик учун ижтимоий тармоқларда таргетли реклама кампаниялари ўтказилиши, “НАПП” томонидан доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борилиши ва молиявий муассасалар билан ҳамкорлик қилиниши таклиф этилади.

### 2. "Дроп"-ларнинг ишлатилишига қарши превентив чора-тадбирлар

Жинойт гуруҳлар томонидан оддий фуқароларнинг криптовалюта маблағларини чиқариш учун ишлатилиши кенг тарқалган усулга айланган. Жиноят кодексининг [5] 278<sup>8</sup>-моддаси [5]да ихтиёрий равишда хабар берган шахс жавобгарликдан озод қилинади деб кўрсатилган. Бу қонуннинг амалда қўлланилишини кенгайтириш ва таълим материаллари тайёрлаш зарур.

### 3. «FATF Travel Rule» [8] стандартини тезкор жорий этиш

Ўзбекистон Республикаси «FATF Travel Rule» [8] стандартини қабул қилган. Лекин, амалиётга тезкор жорий этиш учун барча лицензияланган крипто-провайдерларни Travel Rule қўллашга мажбурлаш, миллий маълумотлар базасини яратиш ва халқаро маълумотлар алмашинуви платформаларига интеграциялашув зарур.

### 4. Крипто-биржалар билан ўзаро ҳаракатни тезлаштириш

Ҳозирги вақтда “Binance”, “Bybit”, “HTX” ва бошқа халқаро биржалардан маълумот олиш жараёни анча узоқ давом этади. Ички ишлар вазирлиги билан Крипто-биржалар ўртасида икки томонлама келишувлар имзоланиши ва тезкор маълумотлар алмашинуви учун махсус алоқа нуқталари белгиланиши мақсадга мувофиқ, 24-48 соат ичида жавоб бериш механизмини жорий этиш таклиф этилади.

### 5. Блокчейн-аналитика воситаларини жорий қилиш

Криптовалюта жиноятларини самарали тергов қилиш учун замонавий технологик воситалар зарур. Chainalysis, Crystal Blockchain, Elliptic каби дастурларни сотиб олиш ва терговчиларни ихтисослаштирилган тайёрлаш таклиф этилади. Блокчейн технологияси, криптовалюта ҳамёнлари, миксерлар ва

децентрализациялашган биржалар бўйича махсус ўқув курслари ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

#### 6. Қонуний криптовалюта хизматларини ривожлантириш

Аҳолининг криптовалюталарга бўлган талаби ўсиб бормоқда. Агар қонуний ва қулай платформалар етарли бўлмаса, одамлар ноқонуний “P2P”-операцияларга мурожаат қиладилар. “НАПП” томонидан лицензия олиш жараёнини [1] соддалаштириш ва фойдаланувчи интерфейси қулай платформаларни қўллаб-қувватлаш тақлиф этилади.

#### ХУЛОСА

Криптовалюта соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш замонавий жиноий сиёсатнинг долзарб йўналишларидан биридир. Рақамли активлар технологиясининг тез ривожланиши янги имкониятлар билан бирга янги хавфларни ҳам келтириб чиқаради.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасида криптовалюта соҳасини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Жиноят кодексига киритилган 278<sup>8</sup>-модда [5] ва Маъмурий ҳуқуқбузарликлар кодексининг 155<sup>4</sup>-модда [2]си жавобгарлик чораларини белгилаган. Лекин, қонунчиликнинг мавжудлиги ўз-ўзидан етарли эмас - уни самарали қўллаш механизмлари зарур.

Халқаро тажриба таҳлили АҚШнинг FinCEN тизими, Европа Иттифоқининг MiCA [7] регламенти ва «FATF Travel Rule» [8] стандартининг самарадорлигини кўрсатди. Бу стандартларни Ўзбекистон шароитига мослаштириб қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Криптовалюта жиноятларини олдини олишнинг комплекс тизими аҳолини маълумотлаштириш, "дроп"-ларни ҳимоя қилиш, Travel Rule жорий этиш, Крипто-биржалар билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик, блокчейн-аналитика жорий қилиш ва қонуний хизматларни ривожлантиришни ўз ичига олиши керак.

Ушбу чора-тадбирларнинг комплекс қўлланилиши криптовалюта соҳасидаги жиноятларни сезиларли даражада қисқартишга ва аҳолининг молиявий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Истиқболда криптовалюта соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва технологик ечимларни жорий этиш бўйича тадқиқотларни давом эттириш зарур.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом (Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 6 февралдаги 3380-1-сон буйруғи билан киритилган ўзгартиришлар билан). <https://lex.uz/docs/6791183> (электрон мурожаат этилган сана: 07.02.2026 й.).

2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т.: 2024 й. <https://lex.uz/docs/97664> (155<sup>4</sup>-модда) (электрон мурожаат этилган сана: 07.02.2026 й.).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3832-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3806053> (электрон мурожаат этилган сана: 07.02.2026 й.).

4. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 19 январдаги «Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-899-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/6763724> (электрон мурожаат этилган сана: 07.02.2026 й.).

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: 2024 й. <https://lex.uz/docs/111453> (278<sup>8</sup>-модда) (электрон мурожаат этилган сана: 07.02.2026 й.).

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: 2023 й. <https://lex.uz/docs/6445145> (электрон мурожаат этилган сана: 07.02.2026 й.).

7. European Union. Regulation on Markets in Crypto-Assets (MiCA). 2023. <https://eur-lex.europa.eu/> (электрон мурожаат этилган сана: 07.02.2026 й.).

8. Financial Action Task Force (FATF). Guidance for a Risk-Based Approach to Virtual Assets and Virtual Asset Service Providers. 2019. <https://www.fatf-gafi.org/> (электрон мурожаат этилган сана: 07.02.2026 й.).